
“ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ” КЎРИК-ТАНЛОВИ

Риштон тумани ХТБ тасарруфидаги 48-умумий ўрта таълим мактабида “Оналарга эҳтиром” кўрик-танлови доирасида “Оналарга гул тақдим этиш” тадбири ўтказилди. Тадбирда 5-10 - синф ўқувчилари томонидан шеърлар айтилди. “Энг яхши расм” “Энг яхши бағишлов шеър” мавзусида тадбир ўтказилиб, бунда ўқувчиларга Ватанга муҳаббат, оналарни эъзозлаш, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар томонидан ижро этган шеърлар ўқувчиларда катта таъсурот қолдирилди. “Оналарга эҳтиром” кўрик-танловини мактабнинг ММИБДУ И.Улуғбеков олиб борди.

Muqaddas onajonlarimizga bo'lgan mehr-muhabbatimizni, ehtiromimizni namoyon etish, o'sib kelayotgan yosh avlod qalbida ota - onaga hurmat, onajonlarni e'zozlab, ehtiyotlab, hurmat va ehtiromlarini namoyon etish maqsadida 2021-yil 17-may kuni Farg'ona viloyati Rishton tumani ХТБ тасарруфидagi 22 - umumiy o'rta ta'lim maktabida texnologiya fani o'qituvchisi M.Hamdama rahbarligida „Onalarga ehtirom" shiori ostida 5- 8 sinf o'quvchilari o'rtasida „Onalar buyuk siymo" mavzusida rasmlar ko'rik-tanlovi o'tkazildi. Ko'rik-tanlovda maktabning 7-A sinf o'quvchisi Meliqo'ziyeva Hushnoza Asrorjon qizi birinchi o'rinni qo'lga kiritdi.

Rishton tumani ХТБ тасарруфидagi 26-umukmiy o'rta ta'lim maktabida 2021-yil 18-may kuni maktabning belgilangan rejasi asosida “Onalarga ehtirom” festivali doirasida “Mo'tabar onam” mavzusida rasm chizish bo'yicha tanlov o'tkazildi. Tanlovda qatnashgan “Yosh musavvir” to'garagi a'zolari o'zlari chizgan rasmlarda onalarga bo'lgan ehtirom, minnatdorchilik tuyg'ularini, ularni e'zozlash va asrab-avaylash har bir farzand burchi ekanligini ko'rsatib berishga harakat qildilar. Tanlovni tasviriy san'at fani o'qituvchisi, to'garak rahbari Z. Qurbonova tashkil etdi.

2021-05-18 16:54:05